# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2010 йил 20 август, № 163 (5078) Жума


## БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА АЗИЗДИР ИНСОН




### Термиз:
# СУРХОН ВОҲАСИНИНГ ЖАВОҲИРИ





***“Икки минг беш юз ёшли кўҳна шаҳримиз — Термиз Мустақиллик йилларида қайта туғилгандай бўлди. Яшарди. Навқирон қиёфа кашф этди. Амударё соҳилида қад ростлаган файзли — баркамол гўшага айланди. Шукуҳли ўтмиши баробарида биз шаҳримизнинг бугунги куни билан кўпроқ фахрланамиз. Ахир эл-улусни дунёга улар бунёд этган кентлар — шаҳарлар танитади”.***

***Бу юз ёш билан юзлашган меҳнат ва уруш фахрийси Сойиб бобо Рўзиевнинг гаплари. Гап асносида отахон муҳтарам Президентимизнинг 1991 йил охирида Термиз шаҳрига қилган ташрифларини эслаб қолади. “Термизнинг бугунги иқболи, менимча, мана шу қутлуғ ташрифдан бошланган”, деган иборани алоҳида урғу бериб таъкидлайди.***

Бизнинг эса бундан ўн тўққиз йил аввалги тарихий ташриф таассуротларини барча термизликлар, сурхон аҳли ҳали-ҳамон унутмаганига, унутмасликларига ишончимиз комил. Ўша учрашувларда Термизнинг бой тарихига, жаҳон тамаддунидаги муносиб ўрнига холисона баҳо берилди. Қадриятларни тиклаш замони келгани хусусида, шаҳар меъморчилигини ислоҳ қилиш, маънавиятни юксалтириш, қурилиш, саноат, тадбиркорлик салоҳиятини кенгайтириш ҳақида қимматли фикр-мулоҳазалар айтилди.


(Давоми 2-бетда).


## МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

### Қутлуғ айём тараддуди

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИда ҳам энг улуғ, энг азиз айём — мамлакатимиз мустақиллигининг 19 йиллигини муносиб кутиб олиш, қутлуғ байрамни кўтаринки руҳда нишонлаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.**

Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 30 июнда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн тўққиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлаётир.

Ана шу мақсадда вилоятнинг шаҳар ва туманларида Юртбошимиз томонидан илгари сурилган “Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон” эзгу ғоясини ўзида мужассам этган давра суҳбатлари, маънавий-маърифий тадбирлар, зиёлилар, маданият ва санъат арбоблари билан учрашувлар ўтказилмоқда.


(Давоми 2-бетда).


### Истироҳат боғи янги қиёфада

**НАМАНГАН. Энг улуғ, энг азиз байрамимизнинг 19 йиллиги арафасида Наманган шаҳридаги Бобур номли маданият ва истироҳат боғи бутунлай янгича қиёфа касб этди.**

Бугун вилоят аҳлининг севимли оромгоҳига айланган ушбу масканда улкан фаввора қурилиб, ишга туширилди. 7,5 гектар майдонга мавсумий гуллар ўтқазилиб, улар атрофи ободонлаштирилди. Ҳудуддаги катта кўл, ёзги амфитеатр биноси, ёзги эстрада майдони ҳам мукаммал таъмирдан чиқарилди. Бундан ташқари, кичкинтойлар учун қўшимча 30 та турли аттракцион ўрнатилди.

Таъкидлаш керакки, боғни қайта таъмирлаш учун 3 миллиард сўмликдан зиёд қурилиш-монтаж ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Бунёдкор талабалар

**СИРДАРЁлик талабалар ҳар йили “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ташкил этилган “Бунёдкор” талабалар ҳаракатида фаол қатнашиб келмоқдалар.**

Бу йил ёзги таътил даврида ҳам вилоятда “Бунёдкор” талабалар меҳнат ҳаракати йўлга қўйилди. Ҳозирда 180 нафар талаба қурилиш-таъмирлаш тармоқларида меҳнат қилаётир. Хусусан, талабалар “Ёшлар маркази” ва Деҳқон бозори қурилишида ҳам фаол иштирок этмоқдалар.

**Ш. ХОЛМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Мамлакатимиз Истиқлолга эришгач, хорижий давлатлар билан турли соҳаларда ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Ана шундай дўстона муносабатлар ўрнатилган мамлакатлардан бири Ҳиндистондир.***

## ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАР МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Анжуман

Айтиш жоизки, Ҳиндистон юртимиз мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олган давлатлардан саналади. Икки мамлакат ўртасидаги дипломатик алоқалар 1992 йил 18 мартда ўрнатилган. Шу ўтган давр мобайнида кўплаб, хусусан, иқтисодий, илмий, маданий ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик кўлами изчил ривожланиб борди. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2005 йил апрель ойида Ҳиндистонга давлат ташрифи, 2006 йил апрелида Ҳиндистон Бош вазири Манмоҳан Сингхнинг Ўзбекистонга расмий ташрифи доирасида имзоланган ҳужжатлар ушбу муносабатларни янада юксалтиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётир.

Пойтахтимизда “Ўзбекистон — Ҳиндистон” дўстлик жамияти, Ўзбекистон дўстлик жамиятлари кенгаши ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда юртимиз Истиқлолга эришганлигининг 19 йиллиги ҳамда Ҳиндистон давлати мустақиллигининг 64 йиллиги муносабати билан ташкил этилган тадбирда ҳам шулар ҳақида сўз юритилди. Унда мамлакатимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус вакиллари, олимлар, ижодкорлар, санъаткорлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

— Икки халқ ўртасидаги дўстлик алоқалари ёзув пайдо бўлмасдан олдин ўрнатилгани ҳақида манбаларда ўқиганман, — деди Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Манал Шах Алкадри. — Асрий тарихга эга муносабатлар мамлакатингиз мустақилликни қўлга киритгандан сўнг янги босқичга кўтарилди. Мен шу фурсатдан фойдаланиб, барча ўзбекистонликларни улуғ айём — Истиқлолингизнинг 19 йиллиги билан чин дилдан табриклайман.

— Яқиндагина, яъни 15 август куни Ҳиндистоннинг Мустақиллик кунини нишонлагандик, — дейди меҳмон Ситарам Бадж. — Энг улуғ байрамлари бири-бирига яқин бу икки халқнинг қалблари ҳам туташдир. Халқингизнинг тантилиги, мардлиги, очиққўнгиллилиги ва меҳмондўстлиги, ўлкангиз табиатининг бетакрорлигига, тўғриси, мафтун бўлиб қолдим. Ўзбекистоннинг шаҳару қишлоқларига борганимда, улкан ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари гувоҳига айландим. Айниқса, шу кунларда одамлар юзида байрамона кайфият сезилиб турибди. Хуллас, мамлакатингизга бўлган ҳавасим, ҳурматим, меҳрим янада ошгани туфайли “Мен Ўзбекистонни севаман”, дегим келади.

Мана шундай самимият, кўтаринки кайфият руҳида ўтган тадбир икки давлатнинг дўстона алоқаларига бағишланган ҳужжатли фильм намойиши, санъаткору ҳаваскор бадиий гуруҳларнинг чиқишлари, ажойиб куй-қўшиқларга уланиб кетди.

**Саиджон МАХСУМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Август ойи – пахта ҳосилига ҳосил қўшадиган ой



## АСАДДА ҒЎЗА КУН САНАЙДИ

***— Асаднинг ҳозирги қизғин кунларида механизатор тин олади, деган фермер янглишади, — дейди Лобиржон ака Ёқубов. — Сабаби, айни шу кезларда ғўза майин, намли тупроққа ўта муҳтож бўлади. Чунки шиғил ғўзаларнинг илдизлари майин тупроқдан, минераллардан, “шарбат” сувидан озиқланади, кунда бир яшнаб, ҳосилга ҳосил қўшади. Бободеҳқонларимиз беҳудага “Асадда ғўза кун санайди”, деб айтишмаган-да.***

Дарҳақиқат, тажрибали механизаторимиз, суяги тракторнинг кабинасида қотган Лобиржон Ёқубов саратон забтига олган, ҳатто мусичалар ҳам иссиқ ҳаводан яширинган кезлардаям тракторини пайкал четига тортиб қўйиб, соя-салқиндан ҳаловат излагани йўқ. Тиниб-тинчимас тракторчи экинни ясатадиган асад ойида даладан бери келмаяпти. Унинг айтишича, айни шу паллада белга уриб қолган ғўзаларга ишлов берилса, кам шикастланади, ҳосил элементлари деярли тўкилмайди.

Хабарингиз бор, бу йил Фарғона водийсида сув тақчиллиги аввалги йиллардагига нисбатан кўпроқ сезилди. Шу боис сувдан оқилона фойдаланиш мақсадида механизатор ва сувчилар бамаслаҳат, ўзаро ҳамкорликда иш олиб бордилар. Ғўза қатор ораларига обитобида, тупроқни майин қилиб, кесак чиқармасдан ишлов берилди. Шу орқали тупроқдаги намлик одатдагидан беш кун — бир ҳафта кўпроқ сақлаб турилди. Бу эса суғориш муддатини ҳам 4-5 кун узайтириш имконини берди. Натижами? Ҳозир ҳар туп ғўзада 10-15 тадан кўсак санаш мумкин, шона ва гулларнинг эса саноғи йўқ.

Ҳамкасбимиз, устозимиз Лобиржон ака эса культиваторнинг рама ва ишчи қисмларини юмшоқ резина матолар билан “балиқ сирти” шаклида ўраб, тракторини ғўза қатор ораларида “йўрттириб” эмас, балки “одимлатиб” юргизмоқда. Чунки у культивациялашни йиғим-теримгача сусайтирмасликка аҳд қилган. Бизнингча ҳам, шундай қилинса, кўзлаган мақсадимизга, албатта, етамиз.

**Нурматжон ҚУРБОНОВ,**
**Тошлоқ туманидаги «Бешкарам» фермер хўжалиги механизатори.**

## МАЛАЙЗИЯДА ДАВРА СУҲБАТИ

Биз ва дунё

***Мамлакатимизнинг Малайзиядаги элчихонасида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 19 йиллигига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.***

Унда «Seloga Petroleum Sdn.Bhd.» компанияси ижрочи директори, Малайзиянинг Ўзбекистон Республикасидаги собиқ элчиси Редзуан Кушайри, ушбу мамлакатдаги АСЕАН юридик уюшмаси фахрий котиби С. Радхакришнан ва Малайзия Тадбиркор аёллар уюшмаси президенти Норазиза Борхон каби Малайзия сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий доираларининг етакчи вакиллари иштирок этди.

Тадбир қатнашчиларига мамлакат раҳбарияти томонидан сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий-маданий соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотлар ҳамда Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида эришган ютуқлари ҳақида атрофлича маълумот берилди.

Малайзиянинг Ўзбекистондаги собиқ элчиси Редзуан Кушайри Тошкентда Осиё тараққиёт банки, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитларининг муваффақиятли ўтказилганлигига тўхталиб, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузи тобора ортиб бораётганини, шунингдек, Малайзия Ташқи ишлар вазири А. Аманнинг жорий йил июль ойи ўрталарида Тошкентга амалга оширган ташрифининг муваффақиятли ўтганини юқори баҳолади. Унинг фикрига кўра, қўлга киритилаётган бу каби ютуқларнинг барчасида мамлакатнинг миллий манфаатлари, икки ва кўп томонлама, ўзаро тенг ҳуқуқлилик ва ишончга асосланган муносабатларни йўлга қўйишда ўзаро ҳурмат тамойилларидан келиб чиққан ҳолда оқилона сиёсат юритаётган Президент Ислом Каримовнинг ҳиссаси беқиёсдир.


(Давоми 2-бетда).


БИР РАҚАМ ШАРҲИ

## ТЕХНИК ВА ТЕХНОЛОГИК ЯНГИЛАНИШ ШАРОФАТИ

***Жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги мобайнида республикамизда***

**529** **та ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди.**

Иқтисодиётнинг турли соҳаларида, шу жумладан, озиқ-овқат, енгил саноат, қурилиш материаллари, ёғочни қайта ишлаш ва машинасозлик саноатида ишлаб чиқаришни техник модернизация қилиш бўйича кўплаб лойиҳалар амалга оширилиши жойларда ана шунча объектни ишга тушириш имконини берди.



**Маълумки, давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги маърузасида фуқаролик жамияти институтлари тизимида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ҳамда ролини янада мустаҳкамлаш хусусида сўз юритиб, ОАВни янада эркинлаштириш, нодавлат матбуот нашрлари, радио, телевидение фаолиятини жонлантириш, уларнинг Интернет глобал тармоғига кириш имкониятларини кенгайтириш олиб борилаётган ислоҳотлар сиёсатининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашга, кучли фуқаролик жамиятининг изчил шаклланишига мадад бериши зарурлигини алоҳида таъкидлаган эдилар.**

# ОАВ: ҲУҚУҚИЙ БАЗА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

Дарҳақиқат, мамлакатимизда мустақилликнинг илк йилларидано.қ, ОАВ соҳасини ривожлантириш, уни жаҳон талаблари даражасига кўтариш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Аввало, олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий ҳамда социал-иқтисодий ислоҳотларнинг ошкоралигини таъминлаш, медиамаконга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга қаратилган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди.

Шу нуқтаи назардан, мамлакатимизнинг Асосий Қонунида ОАВнинг “оммавий ахборот воситалари эркинлиги ва цензурага йўл қўйилмаслиги”, “ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга” эканлиги тўғрисидаги нормалар белгилаб қўйилди. Унда ОАВнинг жамиятдаги ролини ошириш, эркинлигини таъминлаш, уларнинг халққа садоқат билан хизмат қилишига эришиш зарурати ўз ифодасини топган.

Ушбу конституциявий нормаларни ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг муҳим аҳамиятга эга бир қатор қонунлари ҳам қабул қилинди. Жумладан, 1997 йилда қабул қилинган “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонунда барча ҳуқуқий меъёрлар жорий этилди. Мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши билан оммавий ахборот воситаларини ўзгариб бораётган ижтимоий-сиёсий шарт-шароитларга мослашиб, ўз вазифаларини самарали бажаришларига, сон ва сифат жиҳатидан йил сайин ортиб, хусусий газета ва телестудияларнинг ташкил этилишига кенг имкониятлар яратилди. Агар 1994 йилда республикамизда 475 та босма ва электрон ОАВ мавжуд бўлса, бугунга келиб уларнинг сони 1172 тага етди. Айни пайтда фаолият кўрсатаётган телеканалларнинг 53 фоизи, радиоканалларнинг 86 фоизи, босма нашрларнинг 50 фоиздан ортиғи нодавлат ОАВ ҳисобланади.

Шу билан бирга, мазкур ҳужжатнинг 2007 йилда янги таҳрирда қабул қилиниши муҳим воқеа бўлди. Унга мамлакатимиз қонунчилигида биринчи бор даврий босма нашрларнинг электрон версиялари ва Интернет-оммавий ахборот воситалари ҳақидаги меъёрлар киритилди. Хусусан, газета ва журналларнинг онлайн версиялари улар маҳсулотини тарқатиш воситаларидан бири эканлиги белгилаб қўйилди.

Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва либераллаштириш борасида олиб борилаётган ишлар медиамаконни тартибга солувчи бошқа қонунларда ҳам ўз аксини топганлигини айтиб ўтиш лозим. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ҳамда саъй-ҳаракатлари билан журналистлар ва соҳа ходимлари учун ўта муҳим бўлган “Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, шунингдек, “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатларда журналистлар ва соҳа ходимлари билан бир қаторда, ҳар бир фуқарога ахборотни эркин олиш, монеликсиз излаш, узатиш ҳамда тарқатишга доир ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши ва шу билан боғлиқ масалаларнинг тартибга солиниши белгилаб қўйилди.

Эътироф этиш керак, ушбу қонун меъёрлари амалиётда кенг қўлланилаётир. Мисол учун, ҳозирда барча давлат органлари ўзларининг матбуот хизматлари ва веб-сайтларига эга. Вазирлик ва идора, маҳаллий давлат органлари ва муассасаларнинг матбуот хизматлари, уларнинг Интернетдаги веб-сайтлари орқали интерактив давлат хиз-

**Мушоҳада**

матлари кўрсатиш миқдори 2004 йилдагига нисбатан 2,8 бараварга ошиб, фойдаланувчиларга “он-лайн” режимида 344 та давлат интерактив хизматлари кўрсатилмоқда. Давлат органлари веб-сайтларидан ташқари бошқа веб-сайтларнинг сони ҳам ортиб бораётганлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Хусусан, “uz” доменидаги веб-сайтлар сони 2002 йилда 587 та бўлса, бугунга келиб 10500 тадан ошган. Бунинг асосий омили сифатида мамлакатда ахборот технологияларининг ривожи, Интернетдан фойдаланувчилар сонининг мунтазам ошиши ва тармоқ хизмати сифатининг яхшиланишида кўришимиз мумкин. Бугунги кунда АКТ соҳасида хизмат кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектлар сони, шу жумладан, Интернет провайдерлари сони 1000 дан ошди. Халқаро ахборот тармоқларидан фойдаланишнинг умумий тезлиги 1580 Мбит/сек.дан ортиб, Интернетдан фойдаланувчилар сони 3 млн.га етди.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза. “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги Қонунда “жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқодлари, шахсий ва ижтимоий ҳолатига боғлиқ ҳолда, ахборотдан эркин фойдаланиш ҳуқуқи чекланишига йўл қўйилмайди” дейилган бўлса, “Давлат тили тўғрисида”ги Қонунда “телевидение ва радио эшиттиришлари давлат тили ва бошқа тилларда олиб борилади”, деб белгиланган. Бошқача айтганда, бу мамлакатимиз ҳудудида яшайдиган турли миллатлар вакилларига ўз фикрлари, қарашлари ҳамда эътиқодларини эркин ифодалаш, ахборотни эркин олиш ҳуқуқи ва имконини беради. Ушбу қоидаларни ҳаётга татбиқ этиш орқали бугунги кунда мамлакатимизда 12 тилдаги босма нашрлар, рус, қорақалпоқ, қозоқ, тожик, қирғиз ва бошқа тилларда телерадиодастурлар бериб борилмоқда.

Эндиликда жамиятимизнинг барча жабҳаларида бўлгани каби медиамаконга ҳам илғор ахборот-коммуникация технологиялари шиддат билан кириб келмоқда. Хусусан, ОАВнинг янги турлари пайдо бўлишини ҳисобга олган ҳолда миллий матбуотимизни жаҳон андозалари даражасига олиб чиқиш, соҳа ходимларининг касбий малакасини ошириш, уларнинг ихтисослашувига эришиш ҳамда журналист ва муҳандис-техник ходимларнинг малакасини ошириш мақсадида оммавий ахборот воситалари соҳасида кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш давлат дастури қабул қилиниб, изчиллик билан амалга оширилмоқда. Зеро, Президентимиз жорий йил 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан соҳа ходимларига йўллаган табрикларида ҳам бугунги замон талабларидан келиб чиқиб, журналистлар олдида турган муҳим вазифаларни белгилаб бердилар.

Дарҳақиқат, бугунги давр шиддати, халқаро миқёсдаги долзарб масалалар ва муаммоларни ўзига хос тарзда баҳолаш мезонлари журналистлар зиммасига жиддий масъулият юклайди. Табиийки, бу каби мураккаб ҳолатларда ушбу соҳа вакили мукаммал билимга, катта ҳаётий тажрибага эга, сиёсатни, барча соҳани яхши тушуниши лозим. Ана шунда у ўзи ёзаётган мавзуни, айтмоқчи бўлган гапини аҳолига содда ва тушунарли тилда баён этади, ҳар бир соҳадаги жараённи чуқур таҳлил қилиб бера олади. Бу борадаги саъй-ҳаракатларнинг янада самарадорлигига эришиш учун эса, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзолари соҳани тартибга солувчи қонунчилик механизмларини такомиллаштириш, мавжуд қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, янги қонунлар қабул қилиш борасида изланишлар олиб бормоқдалар. Парламентнинг жорий йилга мўлжалланган иш режасига кўра, ҳозирда “Оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий асослари тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. Шунингдек, ОАВнинг сифатини, маҳорат ва таъсирчанлигини ошириш, уни юксак талаб ҳамда мезонлар даражасига кўтариш мақсадида оммавий ахборот воситалари соҳасидаги қонунчиликни янада такомиллаштириш юзасидан ҳам муайян ишлар олиб борилаётир.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари ривожининг қонуний жиҳатдан мустаҳкамланиши, соҳани янада либераллаштириш, эркинлиги ва мустақиллигини амалда таъминлаш, ОАВнинг том маънода, “тўртинчи ҳокимият”га айланиши учун етарли ҳуқуқий базани яратиб бериш парламентимиз фаолиятининг устувор мақсадига айланган.

**Абдурашид ЖЎРАБОЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси.**

# ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

***Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш жамиятни ривожлантириш ҳамда давлат қурилишининг, ички ва ташқи сиёсатнинг энг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон қўшилган дастлабки халқаро-ҳуқуқий ҳужжат ҳам Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясидир.***

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясида Ўзбекистонда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва фуқаролик жамияти институтлари фаолиятида инсон ҳуқуқлари маданиятини ошириш орқали фуқароларнинг қонуний манфаат ва эркинликларини таъминлаш масаласига бағишлаб ўтказилган халқаро конференцияда шу ҳақда гап борди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Ички ишлар вазирлиги ва Германиянинг Конрад Аденауэр жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

**Тадбир**

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) С. Рашидова, Республика “Маҳалла” жамғармаси раиси А. Аҳмедов, Ички ишлар вазирининг ўринбосари С. Нурматов ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида барпо этилаётган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятида инсон ҳуқуқлари юксак даражада қадр топаётганини алоҳида таъкидлашди. Юртимизда инсон ҳуқуқлари устуворлиги тамойилига таяниб, миллий ҳуқуқий тизим яратилди, инсон манфаатлари ислоҳотлар стратегиясининг асоси сифатида белгиланди. Республикамизда демократия умуминсоний принципларга асосланиши, уларга кўра, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шани, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши Конституциямизда алоҳида ифодасини топди.

Мамлакатимизда фуқароларнинг шахсий, иқтисодий-ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган кўплаб қонунлар қабул қилинган. Бу мазкур йўналишда миллий қонунчилик тизими шаклланганининг амалдаги исботидир.

— Инсон ҳуқуқлари жуда муҳим ва долзарб мавзудир, — дейди анжуман иштирокчиси, германиялик адвокат Кэтрин Наглер. — Бу йўналишда Ўзбекистонда қисқа муддатда ғоят кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Ўлим жазосининг бекор қилингани, адвокатура институтининг тубдан ислоҳ этилгани инсон ҳуқуқларига бўлган эътиборнинг амалий натижасидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Бош прокуратура, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Адвокатлар палатаси каби ташкилотлардан вакиллар қатнашган халқаро конференцияда Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг ҳозирги босқичида ҳуқуқни муҳофаза қилиш тузилмалари ва ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасида ҳамкорликни таъминлаш, фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришда адвокатуранинг роли каби мавзуларда маърузалар тингланди.

**Н. АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# МАЛАЙЗИЯДА ДАВРА СУҲБАТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

«MHV International Sdn. Bhd.» компанияси ижрочи раиси ўринбосари Палани ўз маърузасида мамлакатда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича Ўзбекистон ҳукумати амалга ошираётган саъй-ҳаракатлар, қабул қилинаётган қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар, шунингдек, соҳанинг ҳозирги кундаги аҳволи ҳамда унинг фаолият доирасини кенгайтириш истиқболларига алоҳида тўхталди.

Малайзия Тадбиркор аёллар уюшмаси президенти Норазиза Борхон хонимнинг айтишича, Ўзбекистон раҳбарининг иқтисодиётда ҳар томонлама пухта ўйланган ва асосли ислоҳотлар стратегиясини амалга ошириш борасида юритаётган оқилона сиёсати, ўз вақтида ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастури глобал рецессия шароитида бутун дунёга ва Ўзбекистоннинг инқироздан зарар кўрмаслигига шубҳа билан қарайдиган айрим шахсларга ўзининг самарадор эканлигини исботламоқда. «Ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш дастури Марказий Осиёнинг бошқа давлатларидан анча ажралиб турувчи Ўзбекистоннинг юқори макроиқтисодий кўрсаткичлари гарови бўлди», дея қайд этди эксперт.

Тадбирда сўзга чиққанлар шиддат билан ўзгариб бораётган глобал дунёда ёшлар тарбиясига катта эътибор қаратаётган давлатлар жуда кам эканини алоҳида қайд этишди. Таъкидландики, Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти томонидан Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган кўплаб тадбирлар Президент Ислом Каримовнинг узоқни кўзлаб юритаётган оқилона сиёсатидан далолат беради.

**«Жаҳон» АА.**
Куала-Лумпур

# Қутлуғ айём тараддуди

(Давоми. Боши 1-бетда).

Учрашувларда мустақилликнинг юртдошларимиз ҳаётида тутган ўрни ва аҳамияти, Президентимиз раҳнамолигида ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказишга қаратилаётган юксак эътибор, вилоятда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари хусусида атрофлича сўз юритилди. Истиқлолнинг илк йилларидан аҳоли, айниқса, унинг эҳтиёжманд қатламига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик, маънавий-маърифий соҳалардаги ўзгаришлар, тинчлик ва осойишталикни таъминлаш йўлида олиб борилаётган ишлар эътироф этилиб, мустақилликни асраб-авайлаш, ёш авлодни Ватанга садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш юзасидан таклиф-мулоҳазалар билдирилди.

— Мустақиллик — озод ва обод Ватаннинг ҳар бир фарзанди ўз қадр-қиммати, ор-номуси ва ғурурини теран англаши учун чексиз ва буюк имкониятдир, — дейди “Маҳалла” жамғармаси Тошкент вилояти бўлими раҳбари Суяр Қурбонқулов. — Халқимиз ўзининг энг улуғ, энг азиз байрами — мустақиллигимизнинг қутлуғ ўн тўққиз йиллигини муносиб нишонлашга ҳозирлик кўрмоқда. Бу гўзал байрам юртдошларимиз қалбига бемисл фахр-ифтихор, сурур бағишлайди.

Барча соҳаларда эришилаётган ютуқлар замирида, аввало, тинчлик ва барқарорлик, мамлакатимизнинг тараққиёт йўлидаги дадил одимлари, ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаган халқимизнинг фидокорона ва ҳалол меҳнати, бунёдкорлик салоҳияти, юртдошларимизнинг Ватанга садоқати, ёруғ истиқболга ишончи мужассамдир.

Айни кунларда вилоятнинг шаҳар ва қишлоқларида кенг кўламли бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари қизғин паллага кирди. Байрам арафасида вилоятда ўнлаб иншоотлар фойдаланишга топширилмоқда. Хусусан, “Баркамол авлод йили” Давлат дастурига мувофиқ, Бекобод шаҳрида барпо этилиб, ишга туширилган “Ёшлик” болалар спорт мажмуаси болажонлар учун ҳақиқий байрам совғаси бўлди.

Байрам арафасида Оҳангарон туманида калава ип ишлаб чиқаришга мўлжалланган “Koraytekstil” хорижий корхонаси, Юқори Чирчиқ туманида “Chines shifer” масъулияти чекланган жамияти, Чирчиқ шаҳрида “Alfa karpet” қўшма корхонаси ҳам ишга туширилади.

**Лутфулла СУВОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# Дастурхонимиз баракаси

**Яхши хабар**

***Зарафшон шаҳрида жорий йилнинг ўтган даврида учта ишлаб чиқариш корхонаси фойдаланишга топширилди.***

Хусусан, нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “Зарафшон Караван” масъулияти чекланган жамияти шулардан биридир. Лойиҳа қиймати 117,6 минг АҚШ долларилик мазкур корхонада бир кеча-кундузда ярим тоннагача ун қайта ишланмоқда.

Эътиборлиси, 10 киши меҳнат қилаётган корхона жамоаси автоматик тарзда ишлайдиган замонавий технологиялар ёрдамида зарафшонликлар дастурхонига 50 миллион сўмлик хуштаъм ва мазали нон маҳсулотлари етказиб берди.

**Ў. ЎСАРОВ.**

# Термиз: СУРХОН ВОҲАСИНИНГ ЖАВОҲИРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бу фикрлар шунчаки йўл-йўлакай айтиб ўтилган орзу-хаёллар эмас, балки узоқни кўра билган давлат раҳбарининг донишмандлиги, чекка бир ҳудуддаги қаровсиз ҳолга келиб қолган шаҳарга кўрсатган катта ғамхўрлиги сифатида одамларнинг эътиборини қозонди. Шу ғамхўрлик самараси ўлароқ, шаҳарда тадбиркорлик фаолияти шаклланди. Тоғу дарёлар ошиб инвестиция лойиҳалари кириб келди. Қўшма корхоналар очилди. Буюк Ипак йўлининг асрлар бўйи ғубор босиб ётган бекатлари жамол очиб борди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг “Алпомиш” достони яратилганлигининг 1000 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги, шунингдек, “Термиз шаҳрининг 2500 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарорлари ўз мазмун-моҳияти билан беқиёс аҳамият касб этди: Мустақиллик ёт кучлар томонидан банди этилган, зиндонга ташлаб қўйилган Алпомишни озод этиб, ўз юртига, ўз қавмининг бағрига қайтарди. Мавқеи, экспонатларининг сони ва салмоғи, фаолиятининг изчиллиги жиҳатидан Марказий Осиёда ягона Термиз археология музейи нафақат маҳаллий, балки дунё қадимшунослари учун ҳам ноёб мактаб, жозибали дарсхонага айланди.

— Термиз археология музейи кишилик тарихини, маданиятини ўзида жамлай билган, Парижнинг Лувр, Санкт-Петербургнинг Эрмитажи даражасида бўлган ўзига хос бебаҳо қомус, — деган эди бир суҳбатимизда Япониядаги Соко университети профессори Кюдзо Като. — Бу даргоҳни зиёрат қилганларнинг кўнглида ўзбек халқи ўтмишининг буюклигига бўлган шубҳаларга ўрин қолмайди. Халқнинг бугунги кунига, келажагига қизиқиши ортади. Қизиқиш ва ишонч жамики маданий, иқтисодий алоқаларнинг асосидир. Термиз — табаррук, муқаддас замин. У тарихда турли қарашларни, дин ва мазҳабларни муросага бирлаштирган юрт. Жаҳонгир, фотиҳларга сулҳ йўлларини очган, адолатни, тотувликни шарафлай билган маскан. Жаҳон шаҳарсозлик маданиятининг ўчоқларидан бири. Мен шу юлдузи ярқираб турган шаҳарнинг фахрий фуқароси бўлганимдан фахрланаман. Тўқсон ёшга кирибманки, меҳри мени ўзига тортаверади. Келиб тураман. Ишлайман. Термизга хизмат қилиш қувват бағишлайди кишига.

Дарҳақиқат, Термиз шаҳри бугун Мустақиллик нуридан шифо топган, қайтадан навқирон бўлиб бораётган гулшан. Эзгу орзу-умидлар, хайрли юмушлар бўстони. Кейинги йилларда бу ерда 100 дан ошиқ тарихий обидалар рўйхатга олинди. Ислом дунёсидаги 96 шайхнинг бири, Ҳакимия тариқатининг асосчиси, дунёвий илмлар қомуси Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг ва умуман, қирққа яқин Термизий алломаларнинг ҳаёти ва ижоди ўрганилди. Уларнинг хоки пойлари обод зиёратгоҳларга айлантирилди. Таъмирчи меъмор Эркин Қораев Султон Саодат мажмуининг бош пештоқига Термиз саййидлари шажарасини битди. Наманганлик Равшан Қурбонов “Қирққиз” қалъасини таъмирлаш жараёнида бундан 12 аср аввалги усталарнинг ғишт пишириш, ғишт териш, пештоқ ва гумбаз кўтариш санъатини ўрганиб такомиллаштирди. Олим Шариф Ёқубов Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига Термизнинг таъсири мавзуида рисола битди. Термиз ахборот технологиялари ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежининг 24 ёшли ўқитувчиси Аҳмаджон Рўзиқулов ҳурматли Президентимизнинг маслаҳатлари асосида воҳа археологияси ва этнографияси веб-порталини яратди. Қурувчилар, ишлаб чиқариш мутахассислари, тадбиркорлар, хуллас, ёшу қари — ҳар бир фуқаро ўз шаҳарларининг довруғи, ободончилиги учун камарбаста бўлишга бел боғладилар: “Бобур” истироҳат боғи таъмирланди. Янгидан қурилган “Алпомиш” боғи шаҳар файзига файз бўлиб қўшилди. Соатига 500 йўловчини қабул қиладиган темир йўл вокзали, тадбиркорлар уйи, ёш оилалар учун тураржой бинолари, коллежлар, лицей, қўша-қўша спорт иншоотлари, замонавий меҳмонхоналар...

Бу хайрли ишлар ичра бунёдкорлик ва яратувчанлик юмушларининг салмоғи алоҳида. Ишлаб чиқаришга хориж сармояларини жалб қилиш, Маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш, корхоналарни модернизациялаш борасидаги саъй-ҳаракатлар саноатда тайёр маҳсулот улушини кўпайтириш, экспорт салоҳиятини юксалтириш имкониятларини яратмоқда. “Shindon cpinning Termez LLC” Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонаси шу жиҳатдан пешқадамлик қилаётган жамоалардан. 400 киши меҳнат қилаётган жамоа бир кеча-кундузда 9,3 тонна пахтани қайта ишлайди. Пахта толасидан 20/1 рақамли калава ип йигириш, калавалаш ва қадоқлаш цехлари замонавий технологиялар билан жиҳозланган.

Корхонанинг техник муҳандиси Карим Тўлаевнинг айтишича, уларнинг Истиқлолимиз байрамига атаган тўёналари бор. Арафада бу ерда янаям харидоргир, рақобатбардош 10/1 рақамли калава ип ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Айни пайтда шу мақсадда замонавий жиҳозлар ўрнатилмоқда. Ишчиларнинг ўқув малакаси оширилмоқда. Белгиланган режага кўра, янги линия фаолият бошлагач, 150 киши ишга қабул қилинади.

Ўтган йилнинг кузидан бошлаб вилоятнинг пилласи Термизнинг ўзида қайта ишланадиган бўлди. Хитой технологияси билан жиҳозланган “Сурхон-Термиз-Силк” корхонаси ўз қувватларини ошира бориб, эндиликда воҳадаги жами пилла хом ашёсини яримтайёр маҳсулот сифатида жаҳон бозорига чиқаради. Марғилонлик ҳамкасблар ёрдами билан бу ерда адрас, ипак гилам тайёрлашга киришилади.

Бунёдкорлик қутбларида ёшларнинг ибрат кўрсатаётгани ҳам кўнгилли. “Термизсут” масъулияти чекланган жамиятининг раиси Шавкат Эломов ҳам технолог, ҳам иқтисодчи. Етти ўлчаб бир кесадиган мутахассис. “Uzbekistan Agrominitex Expo” кўргазмасининг доимий қатнашчиси. Кўргазма-савдолардан у сутни полиэтилен пакетда қадоқлаш линиясини харид қилди. Корхонаси қошида нон ёпадиган, яхна ичимлик сув, музқаймоқ ишлаб чиқарадиган цехлар очиб, ўттизга яқин ёшларни муқим иш ўринлари билан таъминлади. Ёш тадбиркор Ҳайитали Алламуродов эса куни кеча корхонасига биратўла 100 нафар ишчини қабул қилди. У қурган савдо ва хизмат кўрсатиш уйи байрам олдидан шаҳарга узукка кўз қўйгандай ярашиб тушди.





Ҳасан ПАЙДОЕВ ва ЎзА олган суратлар.

Юртбошимиз ўтган йили август ойида Термиз шаҳрига келганларида, Термиз давлат университетининг ажиб меъморчилик услубида қурилган янги биноси рамзий калитини ёшларга ўз қўллари билан топширдилар. Термизни, Сурхон элини мамлакат жанубининг гавҳарига айлантириш хусусида фикр билдирдилар.

Бу даъват термизликларга янгича куч-ғайрат, илҳом-шижоат бағишлади. Мактаб ва коллежларнинг ўқувчилари, талабалар шу азиз Ватанга муносиб фарзанд бўлиш йўлида белларини яна бир карра маҳкам боғладилар. Лойиҳачилар, қурувчилар, йўлсозлар, хуллас, барча Юртни обод қилишдек улуғ ишга ўзларини чоғлашди. “Баркамол авлод” республика спорт мусобақаларининг финал босқичи келгуси йили апрель ойида Сурхондарёда — Термизда ўтказилиши муносабати билан шаҳарнинг Олимпия захиралари коллежи ёнидан 10 минг ўринли стадион қурилишига киришилди. Стадионнинг лойиҳа ечимлари замонавий. Иш кўлами катта.

— Бу ишни кўнгилдагидан зиёда қилиб уддалаймиз, — дейди қурувчи Рауф Қурбонов. — Назарий-илмий, техник имкониятларимиз, тажрибамиз иш кўламига яраша. Энг сифатли қурилиш ашёларидан фойдаланаяпмиз. Шаҳарлик ёшларнинг биз, пудратчиларга мадади, кўмаги қурилишни белгиланган муддатдан олдин адоғига етказишимизда асқотади.

Фақат бу эмас. Айни пайтда “Баркамол авлод йили” Давлат дастури доирасида шаҳарнинг ўртасида замонавий ёшлар мажмуаси — “Бахт уйи” қад ростламоқда. Меҳрибонлик уйи қуриб битказилди. Янги уй-жойлар қурилиши давом эттирилаяпти. Ижтимоий соҳа объектларини ободонлаштиришга эътибор зиёда. Сойиб бобо қувониб, яйраб лутф қилганларидек, 30 минг хонадонли Термиз шаҳри улуғ ва азиз байрамни муносиб кутиб олиш учун ишламоқда. Яшамоқда.



Шаҳарлар — даврларни, замонларни бири-бирига туташтириб турувчи олтин ҳалқа. Тарихдан, эл-халқнинг қувончлари, армонларидан, орзу-умидларидан гувоҳлик бергувчи ҳикматли китоб. Истиқлолимиз дастхатларидан Термиз деб аталмиш Жавоҳир Қомуснинг зарварақлари ҳам янада тўлишиб, такомиллашиб бораверади. Неча минг йиллик довонлар узра авлодларимизга бугунги шижоатимиздан гувоҳлик беради.

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



*Қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартириш, замонавий уйлар қуриб, коммуникация тизимларини барпо этишдан кўзлаган эзгу мақсадимиз қишлоқда яшайдиган одамларга ҳеч кимдан кам бўлмаган, муносиб шароит яратишдан иборатдир.*

**Ислом КАРИМОВ.**

# Водийларни яёв кезганда...

**Жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги мобайнида мамлакатимизда:**

● **4417,5** минг квадрат метр, шу жумладан, қишлоқ жойларда **3113,7** минг квадрат метр уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди;

## ҚИШЛОҚ ОБОД — ЮРТ ОБОД

● **544,6 километрлик газ ва 1375 километрлик сув қувурлари, жумладан, қишлоқ жойларда 416,6 ва 864 километрлик газ ҳамда сув тармоқлари барпо этилди;**

● **170** километрдан ортиқ узунликдаги электр узатиш линияси ишга туширилди;

● **2009 йилнинг сентябрида қишлоқлардаги 42 та ер массивида қурилиши бошланган 847 та уй-жой қуриб битказилди, ана шу уйларга газ, сув ва электр энергиясини етказиб берувчи ташқи муҳандислик тармоқлари бунёд қилинди;**

● **159** та қишлоқ туманидаги **223** та массивда намунали лойиҳалар бўйича қўшимча **6800** та уй-жой қурилиши бошланди;

● **ўтган даврда ушбу мақсадлар учун "Қишлоқ қурилиш банк"нинг жами 122,2 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлари ажратилди;**

● замонавий қурилиш ва пардозлаш материалларига бўлган эҳтиёжни янада тўлиқ қондириш мақсадида том ёпиш ашёлари, гипсокартон, қуруқ пардозлаш аралашмалари, йиғма конструкциялар ишлаб чиқарувчи **116** та янги корхона, жумладан, йилига **97 миллион дона**дан зиёд ғишт тайёрлаш қувватига эга **25** та завод ўз фаолиятини бошлади.

**Мустақиллик йилларида тадбиркорлик, кичик бизнесни равнақ топтириш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Хусусан, яратилаётган кўплаб имтиёзу имкониятлардан унумли ва оқилона фойдаланаётган замондошларимиз ўз даромадларини кун сайин ошириш баробарида, аҳоли дастурхонини тўкин, турмушини фаровон қилишга катта ҳисса қўшмоқдалар. Жумладан, Ғиждувон туманидаги "Мирраҳмат Тўлқин" фермер хўжалиги фаолиятини бунга мисол сифатида келтириш мумкин. Мазкур хўжаликда пахта ва ғалладан мўл ҳосил етиштириш билан бирга, бошқа тармоқлар ҳам тобора ривожланиб бормоқда.**

## «НЕКСИЯ» ВА «МАТИЗ»ЛИ ТЎРТ ЮЗТА ХОНАДОН...

— 2001 йилдан буён фермерман, — дейди хўжалик раҳбари Исоқул Ўринов. — 118 гектар ерда пахта етиштираяпмиз. Жорий йилда 31 гектар майдондаги ғалладан дуруст ҳосил олдик. Шартнома режасидан ташқари 17 тонна буғдой ўз ҳисобимизда қолди. Уни ишчиларимизга тарқатдик. Ойлик маошларни ҳам ўз вақтида бериб бораяпмиз.

Исоқул ака янгиликка ўч. Изланишдан эринмайди. Манфаатдорлик замирида фаровон ҳаёт ётишини яхши билади. Фақат ўзини эмас, қишлоқдошларини, туманни, лўндасини айтганда, эл-юртни ўйлайди. Елиб-югуриб ғишт заводини ишга туширди. Бунда Президентимизнинг 2009 йил 19 июндаги "Деворбоп материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори жуда қўл келди. Гап шундаки, илгари пишиқ ғиштга бўлган эҳтиёжни қондириш учун уни қўшни туманлардан келтиришга тўғри келарди. Айниқса, қишлоқларда намунавий уй-жойлар қурилиши авж олгач, ғиштга бўлган талаб янада ошди. Фермернинг 17 нафар ишчи меҳнат қилаётган кичик корхонаси эса шундай пайтда катта ишларга қодирлигини кўрсатди. Чунончи, намунавий уй-жойлар қурилиши учун 79 миллион сўмлик пишиқ ғишт етказиб берилди.

Интилиш

Айтгандай, Исоқул ака ҳозир корхонани модернизация қилиш саъй-ҳаракатида. Бу ерда замонавий лойиҳа асосида хумдон қурилаяпти. Туман ҳокимлиги томонидан корхона учун бир гектар ер ажратилган. Модернизация ишларига 50 миллион сўм миқдорида маблағ сарфланмоқда. Тежамкор ускуналар ўрнатилгач, газ, электр энергияси сарфи камайиши кутилаяпти. Бошқача айтганда, бир дона ғишт ишлаб чиқариш таннархи 15-20 сўмга арзонлашади.

— Фаолиятимиз қамрови кенг, — дейди И. Ўринов. — Аҳолига транспорт хизмати кўрсатаяпмиз. "Ғиждувон — Мазраган" йўналишида автобус қатновини йўлга қўйганмиз. "ҲамкорМАЗлизинг" ташкилоти орқали 145 миллион сўмга иккита юк машинасини лизингга харид қилдик. Шунингдек, тез орада маҳаллий хом ашё асосида томёпқич материаллари тайёрланадиган цехни ишга туширишни мўлжаллаб турибмиз.

Чиндан ҳам, ҳаракатда барака бор. Бир фермернинг елиб-югуриши туфайли саксон нафардан зиёд киши иш билан таъминлангани инобатга олинса, ишбилармонларга яратилган қулайликлар, берилган имтиёзлар самараси нечоғли катта бўлаётганини сезиш қийин эмас.

— Биз, тадбиркору фермерларнинг эмин-эркин ишлашимиз учун барча шарт-шароитни яратиб берган Президентимизга раҳмат, — дейди Исоқул ака. — Шундай фаровон, тинч замонда яшаётганимизга шукр қиламан. Қишлоқдошларимнинг тўй-маъракаларида хизматда бўлиб роҳатланаман. Атайин ҳисоблаб чиқдим, биргина бизнинг Сеталон қишлоғимизда "Нексия" ва "Матиз"ли тўрт юзта хонадон бор экан. Буларнинг бари Истиқлол шарофатидан эмасми?

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Кечагина номи кўпчиликка номаълум, бугун эса "Кончилар шаҳарчаси" деб аталаётган Заркент чўл ўртасидаги бир мўъжизани эслатади. Дарҳақиқат, Мустақиллик йилларида амалга оширилган улкан қурилиш, ободонлаштириш ишлари шаҳарча қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборди. Бу масканда, асосан, Навоий кон-металлургия комбинатининг Жанубий кон бошқармасига қарашли Зармитан олтин кони ишчи-хизматчилари истиқомат қиладилар. Қисқа вақт ичида шаҳарча ҳудуди икки бараварга кенгайиб, аҳоли нуфуси уч баравар ошди.

## ЧЎЛ БАҒРИДАГИ ЧАМАНЗОР

Бунинг сабаби, конда ишлаб чиқариш ҳажмининг тез суръатларда ўсаётгани, янги иш ўринлари ташкил қилинаётгани, шаҳарчада кончилар учун кўплаб тураржойлар барпо этилаётгани; аҳоли турмуш шароитини яхшилаш мақсадида барча имкониятлар яратилаётганидадир. Айтайлик, бундан икки-уч йил аввал конда мингга яқин иш ўринлари мавжуд бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 1600 тадан ошди. Фақатгина жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида 328 та янги иш ўрни яратилди.



Бунёдкорлик

Кун сайин гўзаллашаётган Заркентда 2008 — 2009 йиллар мобайнида 13 та уй ва ётоқхона, саноат ва сервис касб-ҳунар коллежи биноси қурилган эди. Жорий йилда 48 хонадондан иборат 4 қаватли уй фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари, бир неча хизмат кўрсатиш шохобчалари очилиб, уларнинг замонавий бинолари қад ростлади. Энг улуғ ва энг азиз байрамимиз — Мустақилликнинг 19 йиллиги арафасида муҳташам маданият саройи ва замонавий спорт мажмуаси ишга туширилади.

Яна бир эътиборли жиҳати шуки, шаҳарчада янги кон-металлургия заводи қурилиши ҳам ниҳоясига етказилаётир. У фойдаланишга топширилгач, қўшимча 2 минг киши ишли бўлади. Руда, аввалгидек, 83 километр наридаги Маржонбулоқ заводига ташилмайди. Қарабсизки, қанчадан-қанча маблағ иқтисод қилинади, вақтдан ютилади.

Шаҳарчада заркентликлар учун намунавий лойиҳалар асосида 20 та уй-жой қурилиши ҳам жадал суръатларда олиб борилмоқда. Унинг 16 тасига Навоий кон-металлургия комбинати ҳомийлик қилмоқда. Бундан ташқари, Ғужумсой участкасида 700 ўринли ошхона, 50 ўринли поликлиника биноси барпо этилаётгани давлатимиз томонидан аҳолига кўрсатилаётган ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир.

Кун сайин ободонлашаётган бу масканда ҳар бир ўзгариш, ҳар бир муваффақият мустақиллик билан, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг миқёсдаги иқтисодий ислоҳотлар билан боғлиқ, албатта. Бу ерда яқин йилларда яна қанчалаб тураржойлар, маданий-маиший ва сервис хизмати шохобчалари, равон йўллар, хиёбонлар барпо этилиши эса унинг келажаги янада ёрқин бўлишидан далолат бермоқда.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## УЙ ТЎЙИ — ЭЛ ТЎЙИ

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 3 августдаги "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори, Жиззах вилоятида хусусий якка тартибда уй-жой қурувчиларга қулай шарт-шароит яратиш билан бирга, намунавий лойиҳалар асосида янги посёлкалар барпо этиш имкониятларини янада кенгайтириб юборди.***

Хусусан, дастлаб Бахмал, Ғаллаорол, Жиззах туманларида намунавий лойиҳалар асосида 20 тадан кўркам уй қад ростлаган эди. Ҳозир Оқтош, Сарбозор, Учтепа аҳоли пунктларидаги ҳар бири 4, 5, 6 хонали уйларда 60 та оила истиқомат қилаяпти. Мазкур уй-жойлар қурилиши учун 4 миллиард 61 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

Қарор ва ижро

Айни кунларда эса 12 та қишлоқ туманида 325 та уй қурилиши янги талаблар асосида олиб борилмоқда. Фойдаланишга топширилган 60 та тураржойдаги шарт-шароит, оилалар учун яратилаётган имкониятларни кўрган аҳолининг янги массивларга бўлган қизиқиши тобора ортиб бораяпти. Буни 2010 йилда уй-жой олиш учун буюртма берган фуқаролардан 25 фоизлик бадал маблағларининг шаклланишидан ҳам билса бўлади. Ҳозиргача буюртмачилардан 5 миллиард 642 миллион сўм бадал ундирилди.

Хўш, аҳолининг янги посёлкаларга бу қадар қизиқишининг сабаби нимада?

— Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги арафасида кўчиб кирадиган ҳовлиларимиз қурилишидан хабар олиб турибмиз, — дейди ғаллаороллик Марди Усмонов. — Ҳали уй-жойлар қурилиши бошланмасдан туриб, посёлкага газ, сув қувурлари, электр линияси тортилганига қойил қолгандик. "Мукаммал қурилиш савдо" хусусий корхонаси бунёдкорлари эса ўз ишларининг усталари эканликларини намойиш қилдилар. Бири-биридан чиройли уйлар, қулай, шинам хоналар...

Қувонарлиси, байрам тантаналарига вилоятдаги 130 та хонадоннинг уй тўйлари уланиб кетади. Зоминдаги Лайлак уя қишлоғида 20 та, Арнасой туманининг "Олтин водий" массивида 15 та, бошқа туманларда 10 тадан оила янги уйлар калитларини олишади. Йил охиригача эса жами 325 хонадон аъзолари бундай қувончдан баҳраманд бўладилар.

**Б. САТТОРОВ.**

***Анвар Тўрабоевнинг турмуш ўртоғи Ўрозгул Алимбетова 2000 йили Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Нукус филиалини терапевт-шифокор ихтисослиги бўйича битиргач, унга Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан энг чекка овуллардан бири — Порлитовга бориб ишлаши учун йўлланма берилди.***

## Инсон сийланган жойида азиз

Чунки ўша йиллари бу ерда мутахассис шифокорлар етишмасди. Ана шунда ўқитувчи Анварнинг ўз олдига қўйган режалари бутунлай ўзгариб кетди. Ахир хотинининг бир ўзини нотаниш жойларга юбора олмайди-ку?

"Майли, бир-икки йил ўша ёқларда ишлаб, тажриба орттирамиз, кейин қишлоғимизга қайтиб келамиз", деган ният билан ёшлар ота-оналаридан оқ фотиҳа олишди-ю, жўжабирдай икки фарзандини бағирларига босиб, Порлитовга кўчиб келишди. Нимасини айтасиз, дастлабки кунлари қишлоқдаги эски медпунктнинг тор ҳужрасини бошпана қилишди. Хотини қишлоқ врачлик пунктига, ўзи шу ердаги мактабга ишга жойлашди.

Ифтихор

Туғилган ер соғинчи ёмон экан. Анвар авваллари Порлитовга кўника олмай юрди. Ҳар ўқув чораги тугагач, қадрдон қишлоғига, ота-онаси, ёру биродарлари қошига ошиқарди. Аммо вақт — ҳакам. Улар ҳаётларининг ўн йилини ўзлари учун нотаниш, айни пайтда жуда қадрли бўлиб қолган овулда ўтказиб юборганларини сезмай ҳам қолишди.

— Бу чекка қишлоқнинг одамлари ажойиб экан, — дейди Анвар меҳри товланиб. — Бизни ўз қадрдонларидай кўришди. Оддий ўқитувчиликдан мактаб директори вазифасига кўтарилдим. Касбдошларим билан ўзаро ҳурмат-иззат асосида ишлаб келаяпман.

Албатта, ҳамжиҳатлик бор жойда ютуқ бўлади. Ўтган йили Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурига мувофиқ, у раҳбарлик қилаётган мактабда 250 миллион 563 минг сўмлик капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Қишлоқ болалари янги ўқув йилини замонавий мактаб биносида бошлашди.

**— Ёшларга, хусусан, биз, ўқитувчиларга шунча шароитлар яратиб бераётган Юртбошимиздан жуда миннатдормиз, — кўнглидагини тилига чиқаради суҳбатдошимиз. — Эндиликда мана шу имкониятлардан тўлиқ фойдаланиб, юртимиз ривожи учун фақат фидокорона меҳнат қилишимиз керак.**

Кегайли тумани халқ таълими бўлимига қарашли 48-умумтаълим мактаби директори Анвар Тўрабоевнинг бу дил сўзларига қўшилмасликнинг иложи йўқ.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Бир парча ер саховати

*Умбар Саидаҳмедов — пенсионер. Касби — қурувчи. Севимли машғулоти — китоб ўқиш. Мингта китоби бор. Фикрлари тиниқлашганида физикадан масалалар ечишга киришади ёки ёддан чиқариб қўймаслик учун кимё фани формулаларини такрорлайди. Томорқада ишлаш эса жону дили.*

Унинг назарида, кетмон ҳам худди қалам сингари илм ва тафаккур қуроли бўлиши керак. Яъни ерга кетмон урдингми, ниятинг, режаларинг, ҳисоб-китобларинг илмий йўналиш касб этмоғи лозим. Ана шунда қадамингдан чаман, меҳнатингдан самара, пешона терингдан дуру гавҳар сочилади.

"Хўш, Умбар ака деҳқону миришкор бўлиб қандай из қолдирди?" деб сўрарсиз. Қишлоғида у биринчилардан бўлиб иссиқхона қурди. Бошқаларни ҳам шу юмушга даъват этди.

Одамлар қарасаларки, Саидаҳмедовнинг "шўр шафтолилари", яъни лимонларининг турган-битгани пул экан. Агар чин дилдан, аниқ мақсад сари интилиб меҳнат қилинса, атиги икки сотихлик лимонзордан йилига камида битта "Нексия"га етадиган маблағни топса бўларкан.

Шу боис бугун Янги авлод маҳалласида лимон дарахти ўстирмаган хонадоннинг ўзи йўқ. Каттаю кичик Саидаҳмедовни ўзига "устоз" деб билади. Унинг кўрсатма-маслаҳатларига амал қилади. Умбар ака деҳқончиликка ҳам иш деб қарайди. Хусусан, у ўз томорқасига пиёз, картошка, карам ёки сабзи экишдан олдин уларнинг уруғини танлайди. Тегишли китобга қараб ишлайди. Кетмонни фаровонлик ва саломатлик рамзи, деб улуғлайди...

Тадбиркорлик

Тумандаги Уяс маҳалласи аҳли эса ҳамқишлоқлари Эшмўмин Ҳидировни "Томорқа хўжалигининг академиги" деб атайди. Эшмўмин ака, чиндан ҳам, профессионал деҳқон. Қишлоқ хўжалик академиясини битирган. Баргига қараб помидор ё қалампирнинг навини айтиб бера олади. Сабзи ёки карамнинг уруғини кафтига олиб, яроқли-яроқсизлигини ажрата олади.

Авваллари уясликларнинг томорқаларида экилган пиёз гуллаб кетарди. Карамлари кечки бўлиб, бозор тополмас эди. Помидор палаклари касаликка чалинарди. Бунга барҳам бериш мақсадида Эшмўмин ака узоқ-яқиндан сара уруғ топиб, кўчат етиштирди. Қишлоқдаги кам таъминланган, қўли қисқа одамларнинг томорқаларини оталиққа олди. Ва бутун қишлоқ аҳлини деҳқончиликка ўргатди. Шу хайрли ишнинг самараси туфайли 10 сотих томорқаси бор киши бугун фарзанди учун янги уй қурмоқда. Енгил машина сотиб олаётир.

"Бирники мингга, мингники туманга", дейишади. Қумқўрғонда 31839 та томорқа хўжалиги бор. Уларга 4652 гектар суғориладиган ер томорқа сифатида берилган. Шу томорқаларда йилига 60 минг тонна atрофида сабзавот, картошка, полиз, дуккакли экин маҳсулотлари етиштирилаётир. Жорий йилда эса бундай ноз-неъматлар ҳажми янада ортади, албатта.



**У. ОЛИМОВ.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 703. 41775 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.40 Топширилди — 21.50 1 2 . 4 5